



The role of Pedagogy in improving medical education

Avazjon KUCHKAROV¹

Andijan State Medical Institute

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 25 May 2023
Available online
15 June 2023

Keywords:

modernization,
concept,
etymology,
rational attitude,
strategy,
tolerance.

ABSTRACT

This article covers issues related to the reform of medical education, the modernization of the development of the IOC improvement of education itself, and the development of the educational process. Also, the opinions of the great thinkers of the field of research and pedagogy, which are being carried out on this issue today are described.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp156-159>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Тиббий таълимни такомиллаштиришда педагогиканинг ўрни

Калит сўзлар:

модернизация,
концепция,
этимология,
рационал муносабат,
стратегия,
толерантлик.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тиббий таълимни ислоҳ қилиш, таълимни такомиллаштиришнинг ўзига хос тараққиётини модернизация қилиш ва таълим жараёнини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, бугунги кунда ушбу масала бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ва педагогика соҳаси буюк мутафаккирларининг фикрлари баён қилинади.

Роль педагогики в совершенствовании медицинского образования

Ключевые слова:

модернизация,
концепция,
этимология,
рациональное отношение,

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с реформой медицинского образования, модернизацией разработок МОК по совершенствованию самого образования и развитию образовательного процесса.

¹ Senior teacher, Andijan State Medical Institute. E-mail: kuchkarovdermo@gmail.com

стратегия,
толерантность.

Также описаны мнения великих мыслителей в области исследований и педагогики, которые проводятся по этому вопросу сегодня.

“Тиббий таълим” сўзининг этимологияси “тиббийётдаги таълимни ривожлантириш” ва “ўзига хос имидж” сўзлари билан мутаносиб тарзда шакллантирилади ва бир қатор маънога ҳам эга бўлади: ривожлантириш, шакллантириш, ўзгартириш ва бошқалар. Тиббий таълим турли хил концепция маънолари билан тўлдирилиб, шахснинг у ёки бу тарздаги муносабатини ва ғояларини қабул қилишга ундайди.

Тиббий таълим – бу талабаларни тиббий таълимга доир билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдир. Тиббий таълимда педагогларнинг таълим бериш жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, бу бор имкониятларни намоён қилиш, мавжуд билимларни шакллантириш каби тушунчаларни англаштириш мумкин. Кўп тилларда таълим тушунчаси “тасвир”нинг туб морфемасига эга эмас, лекин мазмунан етарлича концептуал жиҳатдан кенг. Демак, немис тилида “таълим” тушунчаси маъно жиҳатдан маърифат, шаклланиш, ташкил этиш каби тушунчалар билан изоҳланади.

Тадқиқотларни, яъни, педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу ўтмишда олиб борилган тадқиқотларнинг яхлитлаш тизими деб қаралишида А.М. Навиков ўзининг олиб борган тадқиқотларида методология тадқиқотларининг тарихий жараёнларини ўрганган ва унинг мазмунини қуйидагича изоҳлайди: “методология – бу фаолиятни ташкил этиш тўғрисидаги таълим, шу жумладан, тадқиқот фаолиятидир” [1].

Бир қатор олимлар (М.В. Богуславский, Г.Б. Корнетов, В.В. Краевский) илм-фанда таълимни педагогиканинг объекти сифатида талқин қилиш таълимни тушунишнинг рационал муносабатини ўқитиш жараёнида тизимлаштирилган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш деб ҳисоблайди. Таълим-тарбия масалалари педагогикада тадқиқ қилинар экан, тадқиқотчилар томонидан таълим ва тарбия масалалари педагогиканинг асосий предмети сифатида қаралган. Олим Л.Н. Толстойнинг фикрига кўра, тарбия педагогиканинг предмети эмас, балки педагогиканинг предмети таълим бўлиши керак, деб таъкидлайди. Кенг маънода таълим – бу инсонни ривожлантирадиган, унга кенг дунёқараш берадиган, уни янги маълумотлар билан қуроллантирадиган жараёндир [2].

К.Д. Ушинский ўзининг тадқиқотларида маҳоратли шифокор ва тажрибали ўқитувчи фаолиятида педагогика ва тиббийёт ўртасидаги ўхшашликни таҳлил қилади. “Беморни даволашда шифокор табиатга ёрдам беради, худди шу тарзда устоз талабага таълим олишда учрайдиган қийинчиликларни англашга ёрдам бериши керак, ўргатиш учун эмас, балки, ўрганиши учун ёрдам бериши керак” дея таъкидлайди [3]. К.Д. Ушинский “агар педагогика инсонни ҳар томонлама тарбияламоқчи бўлса, у аввал уни ҳар томонлама билиши керак”, дейди.

Ж. Локкунинг таъкидлашича, тиббий таълимда педагогик билимларни ўргатиш ёш авлодни тарбиялашда ва уларнинг муаммоларини ҳал қилишда тўғри ёндашишга имкон беради. Унинг ғоялари шахс ҳақидаги тиббий-педагогик билимларни умумлаштирганилигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, тиббийёт педагогикаси масалалари педагогика тарихида ўрганилмаганлиги бу муаммони илмий муаммо сифатида кўриб чиқишни тақозо этди. Тадқиқотнинг қўйилган мақсадидан келиб чиқиб, тиббийёт педагогикасининг

шаклланиши ва ривожланиш даврларида Ўзбекистонинг тиббий таълим жараёнида тиббиёт педагогикаси маълумотларини аниқлаш, тушунтириш ва асослаш талаб этилади.

Тиббий таълим жараёнини тадқиқ этар эканмиз, тиббий таълимда педагогиканинг мақсадини қуйидагича белгиладик: тиббиёт йўналиши талабаларида юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, одоб-ахлоқ, тарбия, ҳаётий ва касбий фаолиятлари учун копинг – стратегияларни ривожлантириш, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва янада мобиллашуви, коммуникацияларнинг жадал ривожланиши толерантлик хусусиятларини шакллантириш, мустақил фикрлаш ва шахсий хатти-ҳаракатлари оқибатларини олдиндан ҳис этиш, шахснинг ўзига берилган имкониятларини тўғри баҳолаш, тўғри мақсад қўйиш ва унга эришиш бўйича педагогик ва психологик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Бугунги глобаллашув жараёнида тиббиёт ривожланар экан, кадрларни тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама шакллантириш масалаларида қуйидаги вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

– тиббий таълим талабаларига касбий фанларни ўзлаштириши ҳамда кейинчалик касбий фаолияти учун асос бўладиган шахс ва унинг фаолияти, индивидуал хусусиятлари, билиш жараёнлари, эмоционал-иродавий бошқарув, турли қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган толерантлик, коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш, таъсирчан психопрофилактик, педагогик ва психологик усул ва воситаларини ўргатиш;

– тиббий таълимда ўқитиладиган педагогика фанининг илмий-амалий, методологик асослари, шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари, шахснинг билиш жараёнлари, индивидуал-психологик хусусиятлари, эмоционал – иродавий ҳолатлари, мулоқот ва гуруҳлар психологияси, тарбия жараёнининг мазмун ва моҳияти, замонавий таълим технологияларини асослаш;

– тиббий таълимда педагогика фанининг мақсад-вазифалари, объекти, предмети, асосий тушунча ва терминлари, илмий-тадқиқот методлари, тармоқлари, фанлар тизимида тутган ўрни, тиббиётдаги аҳамияти, шахс шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг роли, шахс фаолияти ва унинг индивидуал хусусиятлари, эмоционал-иродавий ҳолатлари ва бошқаруви, билиш жараёнларини ривожлантириш усуллари, мулоқот, кичик гуруҳларнинг педагогик психологик қонуниятлари ва уларнинг шахс таълим-тарбиясига таъсири, ривожланишда индивидуал сифатларни ҳисобга олиш хусусиятлари, бўлажак шифокорларнинг тарбиявий таъсир этиш усуллари ва воситалари, тарбия турлари, оилавий тарбия асослари, дидактика ва таълим жараёнининг тузилиши, таълим тамойиллари, таълим (педагогик) технологиялари тузилиши, таснифи ва клиник фанларда қўлланиш хусусиятлари, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари таққ қилиш [4].

Тиббий таълимда педагогика фани ўз олдига қўйган вазифаларига таяниб, биз бўлажак шифокорларнинг олдига қўйилган вазифаларни ҳам тадқиқ этдик.

Бугун тиббиёт ходимининг вазифаси барча масалаларда – учрашувлар, муолажалар, эслатмалар, сўзлар ва ваъдалардаги аниқликни талаб қилади. Бурч ҳисси (чуқур касбий билим ва кўникмалар билан бирга) беморга нисбатан тўғри хатти-ҳаракат йўлини кўрсатади. Буни моҳиятан маънавий ҳодиса эканлигини исботлаган Э.А. Вагнер “Тиббий бурч нафақат касбий қарз, балки маънавий қарздир”, ҳам деб белгилайди [5].

Тиббий таълимда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бўлажак шифокорлар ўз билимларини мунтазам ривожлантириб боришлари бўлажак шифокорларга қўйилаётган асосий вазифалардан бири саналади. Бугунги тиббий таълимда бўлажак шифокорларга қўйилаётган асосий талаб уларни тинимсиз изланишда бўлишларига ундаш. Чунки тиббиётга янгиликлар бугун тезкорлиги билан алоҳида ахамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.М.Навиков “Методология” Москва: 2006 – С 32
2. Философский словарь / под ред. И.Т. Фролова. – 6-е изд. перераб и доп. – М.: Политиздат, 1991. – С. 530.
3. Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания: Опыт педагогической антропологии / К.Д. Ушинский; сост. С.Ф. Егоров // Пед. соч.: в 6 т. Т. 5. – М., 1990. – С. 15.
4. Kadirova M. The didactic basis of formation of a creative personality of a student of a medical university: *Academicia an International Multidisciplinary Research Journal South Asian A Research* 2021 p 10.5958/ 2249 – 7137.2021.004055
5. Вагнер Е. А., Денисов А. С., Скрябин В. Л. Углеродный материал нового поколения в эндопротезировании костей и суставов. — 1993